

Тўра Боболов кўзи ожиз фуқароларнинг муаммоларини ўрганди



Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболовнинг навбатдаги сайёр қабули одатдагидан бошқача форматда ўтказилди. Термиз шаҳридаги Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида вилоятда истиқомат қилувчи кўзи ожиз фуқаролар учун сайёр қабул ташкил этилиб, унда муаммолари ечимидан умидвор бўлиб келган имконияти чекланган фуқароларнинг масалалари тегишилиги бўйича кўриб чиқилди. Бунинг учун туманлардан ташриф буюрувчи кўзи ожиз фуқаролар ва уларнинг кузатувчиларига зарур шарт-шароитлар яратилди.

Сайёр қабулда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти марказий бошқаруви раиси Эргаш Норпўлатов, алоқадор вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

Қарийб 3 соат давом этган сайёр қабул жараёнида фуқаролардан асосан, уй-жой билан таъминлаш, уй-жойни таъмирлаш, даволаниш учун ёрдам кўрсатиш, ишга жойлаштириш, моддий ёрдам ажратиш, кредит олиш, коммунал қарздорликни бартараф этиш ва бошқа масалалар борасидаги муаммолар бўйича мурожаатлар қабул қилинди.

Сайёр қабулни эшишиб, Ангор туманидан келдим. Ишга жойлашиш ва уй-жой қуриш масалаларида вилоятимиз ҳокимидан амалий ёрдам сўрадим, – дейди “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Бобомурод Бердиев. – Мурожаатим инобатга олинниб, янги ўқув йилидан Ангор туманида иш бошлайдиган вилоят кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болаларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатига ишга жойлашадиган бўлдим. Уй-жой қуришда “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам бериладиган бўлди.

Сайёр қабулда 135 нафар фуқаро томонидан 173 та масалани ўртага ташланди. Ушбу мурожаатлардан 64 таси жойида ҳал этилди. Муддат талаб қиласидиган масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Ижроси назоратга олинди.

- Бугунги сайёр қабул жуда яхши ташкил этилибди. Вилоятимиз ҳокими ҳеч бир мурожаатни эътиборсиз қолдирмадилар. Ҳудудларда қурилаётган субсидияли уй-жойларга унга муҳтоҷ имконияти чекланган фуқароларни биринчи навбатда рўйхатга қўйиш тўғрисида мутасаддиларга қатъий топшириқ бердилар. Менинг ҳам субсидия асосида тураг жой олишимда амалий ёрдам бериладиган бўлди, - дейди шўрчилик Мұхаббат Муслимова.

Бугунги кунда вилоятда 6 минг нафарга яқин кўзи ожиз ва заиф қўрувчи фуқаролар истиқомат қиласди. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятнинг вилоят бўлими ўз атрофига 1300 нафардан ортиқ 1-, 2-гуруҳ ногиронларини бирлаштирган. Жойларда жамиятнинг 14 та шаҳар ва туман бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда.

Бўлиб ўтган сайёр қабул давомида имконияти чекланган фуқароларнинг кундалик ҳаётда қийнаб келаётган аксарият муаммолари ўз ижобий ечимини топди. Бу эзгу ишлар аҳолининг фаровон ҳаётини таъминлашга, бугунги кундан рози бўлиб яшашларига хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.